

**Вазирлик марказий аппаратида мавжуд бўш иш ўрни, ишга қабул қилиш шартлари, номзодларга қўйиладиган талаблар ва тақдим қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар тўғрисидаги
МАЪЛУМОТ**

Т/р	Бўш иш ўринлари сони	Ишга қабул қилиш шартлари	Номзодларга қўйиладиган талаблар	Тақдим қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар
Ички аудит бошқармаси Масофавий назоратни амалга ошириш ва хавф-хатарларни баҳолаш бўлими бошлиғи				
1.	1	1. Иқтисодиёт, бухгалтерия ҳисоби, солиқлар ва солиққа тортиш, божхона иши, молия ва молиявий технологиялар, банк иши, статистика, савдо иши таълим йўналишлари бўйича тегишли олий маълумотга эга бўлиши; 2. Молия, давлат молиявий назорат органларида 4 йил бухгалтерия ҳисоби ва аудит йўналишлари бўйича меҳнат стажига эга бўлиши, шундан камида 2 йили раҳбарлик лавозимидаги меҳнат стажига эга бўлиши; 3. Ички аудит бўйича миллий малака сертификатига эга бўлиши.	1) Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва соҳа бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши, қонунчилик ҳужжатлари билан ишлай олиши, норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳамда стандартларни ишлаб чиқиш ва улар билан ишлаш тажрибасига эга бўлиши, масофавий аудитни қўллаган ҳолда бюджет маблағларидан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиш хавфларини аниқлаш, минималлаштириш, уларни содир этишга имконият яратувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш орқали бюджет тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг бузилиш ҳолатлари профилактикасини амалга ошира олиши; 2) Давлат хизматчиси тўғрисидаги қонун талаблари мос келиши ҳамда тадбиркорлик субъекларида иштирокчи бўлмаслиги ва улушга эга эмаслиги; 3) Намунавий шахсий фазилатларга-интеллект, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, муассаса стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятларига эга бўлиши, стратегик ва таҳлилий фикр юрита олиши, қарорларни тез қабул қила олиши ҳамда уларни бажара олиши.	

Ички аудит бошқармаси Масофавий назоратни амалга ошириш ва хавф-хатарларни баҳолаш бўлими етакчи мутахассиси

2.	1	1. Иқтисодиёт, бухгалтерия ҳисоби, солиқлар ва солиққа тортиш, божхона иши, молия ва молиявий технологиялар, банк иши, статистика, савдо иши таълим йўналишлари бўйича тегишли олий маълумотга эга бўлиши; 2. Молия, давлат молиявий назорат органларида 3 йил бухгалтерия ҳисоби ва аудит йўналишлари бўйича меҳнат стажига эга бўлиши, шундан камида 1 йили ички аудит тизимидаги меҳнат стажига эга бўлиши; 3. Ички аудит бўйича миллий малака сертификатига эга бўлиши.	1) Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва соҳа бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши, қонунчилик ҳужжатлари билан ишлай олиши, норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳамда стандартларни ишлаб чиқиш ва улар билан ишлаш тажрибасига эга бўлиши, масофавий аудитни қўллаган ҳолда бюджет маблағларидан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиш хавфларини аниқлаш, минималлаштириш, уларни содир этишга имконият яратувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш орқали бюджет тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг бузилиш ҳолатлари профилактикасини амалга ошира олиши; 2) Давлат хизматчиси тўғрисидаги қонун талаблари мос келиши ҳамда тадбиркорлик субъекларида иштирокчи бўлмаслиги ва улушга эга эмаслиги; 3) Намунавий шахсий фазилатларга – интеллект, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, муассаса стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятларига эга бўлиши, стратегик ва таҳлилий фикр юрита олиши, қарорларни тез қабул қила олиши ҳамда уларни бажара олиши.	
----	---	--	---	--

Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорат бўлими етакчи мутахассиси

2.	1	1. Иқтисодиёт, бухгалтерия ҳисоби, солиқлар ва солиққа тортиш, молия ва молиявий технологиялар, банк иши, статистика, савдо иши, юриспруденция, тергов фаолияти, тезкор-қидирув фаолияти, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти, эксперт-криминалистика фаолияти, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва фош этиш фаолияти, хизмат фаолиятини тарбиявий-психологик таъминлаш (юрист-психолог) таълим йўналишлари бўйича тегишли мутахассисликка эга бўлиши; 2. Давлат ва нодавлат ташкилотларида камида 3 йиллик, шундан камида 1 йиллик коррупцияга қарши курашиш йўналишидаги меҳнат стажига эга бўлиши; 3. Қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда стандартларни ишлаб чиқиш ва улар билан ишлаш тажрибасига эга бўлиш.	1) Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизими – e-anticor.uz; 2) ижро интизоми идоралараро электрон тизими – edo.ijro.uz; 3) Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими – project.gov.uz электрон платформаларида ишлаш бўйича мукаммал кўникмага эга бўлиши лозим; 4) Давлат тилини мукаммал даражада билиши (суҳбат жараёнида оғзаки ва ёзма нутқда фикрларини узвий ифода эта олиши инобатга олинади); 5) Хорижий тилларни билиш даражасини белгиловчи миллий ва халқаро тан олинган сертификатларга эга бўлиши устуворлик беради; 6) Давлат хизматчиси сифатида одоб-ахлоқ ва этика қоидалари талабларини билиши; 7) Намунавий шахсий фазилатларга, маданиятлилик, етакчилик, хушмуомалалик, ташкилотчилик, ташаббускорлик қобилятига, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, стратегик мақсадларга эришишни таъминлаш хусусиятларига эга номзодларга устуворлик берилади.	
----	---	--	--	--